

# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 29 (1807) 10 февраль, жума, 1961 йил Баҳоси 2 тийин

## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИ- РИШДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Тошкент область партия комитетининг пленуми

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети январи Пленумининг якунлари ва Тошкент область партия ташкилотининг вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Пленум ишда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, район икрония комитетларининг раислари, комсомол ва касабасоҳ ҳодимлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, колхоз раислари, совхоз директорлари, қишлоқ бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илгөрлари, олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғ. Ғуломов доклад қилди.

— КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми, — деди докладчи, — жонажон Коммунист партиямиз ва бутун совет халқи ҳаётида жуда катта ноқеа бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу йил 17 октябрда Совет Иттифоқи Коммунист партиясининг навбатдаги XXII съездининг қачириси ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳақда барча совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат активлигини, битмас-туганмас иқтисодий ташаббусини мисли қўйилмаган даражада ошириб юборди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг иш партиямизнинг Марказий Комитети марисча-ленинча фанга амал қилиб, коммунист қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишнинг коммунизм томон қилаётган ҳаракатининг суръатини кучайтириш учун социалистик тўзумнинг битмас-туганмас имкониятларидан фойдаланиш ҳосасида ленинча сиёсатни қатъийлик билан ва оғинмай амалга ошираётганлигини янги куч билан қўсатди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларида, ўртоқ Н. С. Хрущёвнинг Пленумда сўзлаган дои нуқтада қишлоқ хўжалигини кескин равишда ривожлантириш учун олиб борилган қурашнинг тақрибиса чуқур равишда умумлаштирилди, унинг битмас-туганмас имкониятлари очиб берилди, колхоз ва совхозлар раҳбарлик қилишда йўл қўйилган камчиликлари ленинчагина жондлик билан очиб таппилди, дои, гўшт, суг ва бошқа маҳсулотлар ҳамда техника зачилар етиштиришни қўлатириш йўллари аниқ-равшан қилиб белгилан берилди, мамлакатнинг иқтисодий касини янада ривожлантиришнинг тубли масалалари қўтарилди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳамда вақт партиямизнинг дўққат марказида турлиш кераклиги таъкидлаб қўсатилди. Иш ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-қўлиги вужудга келтирилмаса, бўла-була ишчи-хўжаликнинг иқтисодий ҳаётининг ҳам бўлиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз равишда юксалтириш учун қураш — коммунист жиянат қурашининг энг муҳим шарти, чинакам умумхалқ ишидир. Саноатнинг ривожланиши билан қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ўртасида тафовут бўлишига йўл қўймаслик керак. Шундай шарт-шарити вужудга келтиришнинг лозимки, токи, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол товарларига бўлган ҳамда тобора ўсиб бораётган талаби тўла равишда қондирилиши, ишлаб қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг партия XXII съезди ва КПСС Марказий

Партия қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар ажратар экан, ўз олдига қишлоқ хўжалигини табиатнинг инкиқликларига боғлиқ бўлмаган ҳолда юритиш, ундан ҳар йили ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мамлакатимиз халқининг эҳтиёжларини тўла равишда қонлайдиган миқдорда маҳсулот олишни таъминлаш вазифасини қўймоқда. Пленум қарорларида шу йилнинг ўзидеяк ва яқин йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бирмунча қўлайитириш зарурлиги қўсатилган.

Пленум қарорларида қишлоқ хўжалигини бачча имкониятлар ва резервлари аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш, фан эришган муваффақиятларини ва илгөрларининг, ишлаб чиқариш новаторларининг таърибисини ёйиш ҳамда ажорий этиш зарурлиги таъкидланган.

Пленум партия ва совет органлари томонидан қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишни кескин равишда яхшилашни, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳадида янада мустақамлашга эришилши, кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишларини яхшилашни, партия ва давлат интизомини мустақамлаш талаб этди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия ташкилотларини, бачча меҳнаткашларини қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун қурашга сарфланаётган куч-гайратини оширишга қачирди. Совет кишилари жонажон партиямизнинг қачирғига меҳнатда янги зафарлар қозонди. КПССнинг навбатдаги XXII съездининг муносиб кутуб олиш учун умумхалқ муқобасини аниқ олдириш билан жавоб бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми коммунист ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари тўғрисидаги докладчининг тингилди ва ўртоқ Н. С. Хрущёв бошчилигидаги КПСС делегациясининг Кенгашидаги сиёсий йўли ва фаолиятини ҳамда Кенгаш томонидан қабул қилинган Баёғот ва иқтисоддаги бачча халқларга қарата қабул қилинган Мурожатия маъқуллади.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми бутун партиямиз учун, бачча кадрларимиз учун коммунист тарбиянинг чинакам мактаби бўлди, бутун партияни, бачча меҳнаткашларини коммунист қурилиш вазифаларини бачча иш учун қурашга сафарбар этди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи иккинчи марта қўйилиши деб таъкидлади докладчи. КПСС Марказий Комитети, унинг Президиуми ва шахсан кадрдонимиз Никита Сергеевич Хрущёв республикамизнинг гуллаб яшашига тўғрисида қилаётган тамхўрликлар ва унга бераётган эътиборларининг далилидир.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари Ўзбекистон коммунистлари, шу жумладан Тошкент область партия ташкилотининг бачча аъзолари зиммасига ўз ишларини чуқур равишда анализ қилиб чиқиш, унинг натижаларига таъкидчи назар билан баҳо бериш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг резервлари ва ресурсларини қидириб топиш ҳамда ана шу резерв ва ресурсларни пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини кескин равишда юксалтиришга хизмат қилдириш мажбуриятини юклайди.

Докладчи область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг партия XXII съезди ва КПСС Марказий

Комитети декабрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида эришган айрим муваффақиятларини таъкидлаш билан бирга, областнинг колхоз ва совхозлари ўтган йили ўзларининг асосий хўжалик-сиёсий вазифаларининг уйдасидан чиқарилмаганликлари ни қўсатди.

Биз, дейди ўртоқ Ғуломов, ўз зиммамизга Ватанга 500 минг тонна пахта бериш юзасидан юксак социалистик мажбурият олдиқ-у, бироқ уни амалий ишлар билан мустақамлашдик ва натижада социалистик мажбуриятинигина эмас, балки пахта тайёрлаш планини ҳам бажаролмадик. Областининг колхоз ва совхозлари давлатга 81 минг тонна пахтани кам етказиб бердилар ва катта қардор бўлиб қолдилар. Область етиштирилган пахтанинг миқдорини фақат 1959 йилдагига нисбатангина эмас, ҳатто 1958 йилдагига нисбатан ҳам камайитириб юборди. Пахтанинг ҳосилдорлиги ҳам камийиб кетди.

Бизнинг пахтачилик соҳасидаги ишмиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети январь Пленумидаги ҳисобот докладыда, шунингдек ўртоқ Рашидовнинг шу йил 4 февралда бўлиб ўтган республика партия активини йилгиликда қилган докладыда жиддий ва ҳаққоний равишда таъкид қилинди.

Область колхоз ва совхозлари томонидан пахта тайёрлаш планининг бажарилмаганлигининг асосий сабаби шундани, область партия комитети ва Юқори Чирчиқ ҳамда Қуйи Чирчиқ районларини истисно қилганда, район ва шаҳар партия комитетлари ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни сусайитириб юбордилар, агротехника талабларини бузилишига йўл қўйдиқ, ишчи кучи ресурслари, механизмлар ва иқтиёриймида бўлган бошқа резервлардан атрафлича фойдаланишни таъминламадик.

Пахта тайёрлаш планининг бажарилмаганлиги учун, деб таъкидлайди докладчи, давтавал бачча, область партия комитетининг раҳбарлари, область партия комитетининг биринчи секретари си-фатиди мен, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари жавобгаримиз.

Районлар, колхозлар, совхозларнинг қўлчилик раҳбарлари пахта тайёрлаш плани ва олинган социалистик мажбуриятининг бажарилмаганлиги учун ўтган йили об-ҳаво шароити нуқолай келганлигини сабаб қилиб қўсатилган ҳаракат қилмоқдалар. Бу билан улар жавобгарлигини ўз бўйинларидан соқит қилишга, ўзларининг ишчи ташкил қила олмаганликларини лширишга уринмоқдалар.

Агар биз зиммамизнинг бутун фаолиятимизни ўтган йили баҳорда, ёзда ва кўзда об-ҳаво шароити нуқолай келганлиги сабабидан юз берган қийинчиликларини, айрим районолар, колхозлар ва совхозларда қилинганлик, барта-раф етиштириш қаратилишида партия ва халққа берган ваъдамизни албатта бажарган бўлар эдик. Ахир ўтган йили Юқори Чирчиқ

Ўртоқ Н. С. ХРУЩЕВ  
Воронежга келди

ВОРОНЕЖ, 9 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущёв Марказий қоратупроқ областлари кенгашининг ишида қатнашиш учун бугун Воронежга келди.

Кенгашида қатнашиш учун КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисининг ўринбосари Г. И. Воронов ва РСФСР Министрлар Совети Раиси Д. С. Полянскийлар ҳам келди.

ТОШКЕНТ — ИВАНОВО  
МУСОБАҚАДОШЛАР  
ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР



Суратда: Иванов область Савино шахридаги «Солидарность» фабрикасининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юля Вечерова тошкентлик дугонеси, Тошкент тўқимачилик комбинатининг арқоқ йигирувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Пулдошевнинг иш участкасида.

### Л. И. БРЕЖНЕВ ГВИНЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖўНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 9 февраль. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва унинг ҳамроҳлари бугун эрталаб Москвадан Гвинея Республикасига расмий визит билан жўнаб кетди. Л. И. Брежнев президент Секу Туренинг ва ҳукуматнинг тақлифига биноан Гвинеяга бора-тир.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Вуюково аэродромидан А. Б. Аристов, Н. Г. Игнатюк, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Милоя, М. А. Суслев, Е. А. Фурсев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, В. В. Гришин, СССР Министрлари, Совет Иттифоқи маршаллари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, Москва шаҳри ва Москва области партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари Л. И. Брежневни узатиб қўйдилар.

Узатиб қўйилганлар орасида чет эл дипломатлари, журналистлар бор эди.

Москва меҳнаткашларининг юзлаб намоёндалари Л. И. Брежневни самиямий билан сафарга жўнатдилар.

### А. Н. КОСИГИН ҲИНДИСТОНГА БОРАДИ

Ҳиндистон бош министри Ж. Неру СССР Министрлар Совети раисининг Биринчи ўринбосари А. Н. Косигинга Ҳиндистонга келишга қачириб, тақлифнома юборди.

А. Н. Косигин бу тақлифни миннатдорчилик билан қабул қилди. Келишувга мувофиқ А. Н. Косигин Ҳиндистонга 1961 йил февраль ойининг иккинчи ярмида боради.

## Газета редакторларининг республикалараро кенгаши

8 февралда Ўзбекистон СССР Олий Советининг мажлисда залда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон республика ва область газеталари редакторларининг республикалараро кенгаши бошланди. КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ қачирилган бу кенгаш идеоло-

гия ишлари ва меҳнаткашларни коммунист руҳда тарбиялаш соҳасида матбуотнинг вазифаларига бағишланди.

КПСС Марказий Комитети пропанда ва агитация бўлими му-дирининг иттифоқчи республикалар бўйича ўринбосари А. В. Романов кириш нўтига сўзлаб, кенгаши очди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг иш якунлари тўғрисида» доклад қилди.

Кенгаш ишнинг биринчи кунидея «Партия ташкилотлари идеология ишлари тақрибисининг газетада ертилиши» тўғрисида «Қизил Ўзбекистон» газетаси, редактори И. Раҳимовнинг «Газета саҳифаларида меҳнаткашларнинг коммунист руҳда тарбиялаш темалари» тўғрисида «Совет Туркменистон» газетаси редактори Н. Омоновнинг «Қишлоқ хўжалигида социалистик мусобақани ташкил қилиш тақрибисининг ертилиши» ҳақида, «Тожикистон» Совети газетаси редактори А. Хонбобоевнинг, «Партия турмуши масалаларининг газетада ертилиши» ҳақида «Советтик Қирғизистон» газетаси редактори Т. С. Суванбердиевнинг ҳамда «Редакциянинг редакцияда ташкил авторлар актив билан иш олиб бориш формалари ва методлари» тўғрисида «Антиянская правда» газетаси редактори И. В. Герасимовнинг докладлари ҳам тингиланди.

Кенгаш 9 февралда ўз ишчи давом эттирди.

Кенгашда биринчи мажлисда тингиланган докладлар юзасидан муносабатлар бошланди. Меҳнаткашларнинг коммунист руҳда тарбиялашда, КПСС XXII съездининг муносиб кутуб олинишни таъмин қилишда матбуотнинг ролини янада оширишга доир масалалар юзасидан кенгашда кенгашда тў-

рибди. Газеталарнинг редакторлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини, коммунист ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг материалларини пропаганда қилиш ҳақида, саноат ва қишлоқ хўжалик илгөрларининг тақрибисини кенг оммалаштириш учун газеталар қандай ишларни қилаётганликлари тўғрисида гапирадилар.

Музокараларда Ленинободдаги «Ҳақиқати Ленинобод» область газетасининг редактори Х. Содиков, Қирғизистон СССР Сталин районидаги «Трудовая слава» газетасининг редактори М. И. Маслова, «Тошкент ҳақиқати» область газетасининг редактори З. И. Есенбаев, Туркменистон республика газетаси «Еш коммунист»нинг редактори А. Мамедов, «Тянь-Шань правдаси» (Қирғизистон) область газетасининг редактори Б. Соодонбеков, «Комсомоли Тожикистон» республика газетасининг редактори Б. Худойдодов, «Ленин йўли» Самарқанд область газетасининг редактори Л. Хамроев, «Нефтяник» кўп тиражли газетасининг (Краснодарск) маъсул секретари И. С. Вереску, «Совет Қорақалпоғистони» газетасининг редактори М. Абдураҳимов, Тожикистон СССР Алоҳа министри Союзпечать республика бўлимининг бошлиғи С. Э. Пекар, «Замла коммунизма» Қарши шаҳар газетасининг редактори С. С. Шечкин қатнашдилар.

Кенгаш ўз ишчи давом эттирмоқда. (ЎзТАГ)

Кеча КПСС Марказий Комитети пропанда ва агитация бўлими му-дирининг ўринбосари А. В. Романов редакторлар кенгаши қатнашчилари, провасидистлар, Тошкент олий ўқув юрталари иқтисодий фанлар кафедраларининг мудирлари ҳамда ўқувчиларида «Ҳозирги замон шароитида идеология ишлари масалалари» деган темада доклад қилди.

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1961 йил 9-11 мартда Москвада Катта Кремль саройида ёш бинокорларнинг Бутуниттифоқ кенгашини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари энг муҳим саноат ва транспорт корхоналари қурилиш суръатларини тезлаштириш ва етти йиллик план топириклари мунддад илгари бажариш соҳасида ёш бинокорларнинг вазифаларини муҳокама қиладилар.

Кенгашнинг ишида халқ хўжалиги кенгашлари, министрлар ва бошқармаларга қарашли энг катта қурилишлар ва корхоналарнинг илгөрлари ҳамда новаторлари, илмий-таъқиқот ва лойиҳа институтлари, партия, хўжалик, касабасоҳ ва комсомол ташкилотларининг ҳодимлари қатнашдилар.

### ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ IX ПЛЕНУМИ

МОСКВА, 9 февраль. (ТАСС). Бутун Москвада ВЛКСМ Марказий Комитетининг IX пленуми очилди. Пленум КПСС Марказий Комитети январь (1961 йил) Пленумининг «1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжали-

гини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида»ги қарорини бажаришда комсомол ташкилотларининг иштироки ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Пленуми ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов оиди. Пленум ишда қишлоқ хўжалик илгөр ёшларининг катта группаси қатнашмоқда.



Суратда: Ўрта Осиё республикалари республика ва область газеталари редакторларининг семинари қатнашчиларидан биргруппаси — Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

А. Абальин фотоси.





